

633.41

Б 833

С. Г. БОРОДАЙ

ЃЎЗАНИ КВАДРАТ
ШАКЛИДА
УЯЛАБ ЭКИШ
ТАЖРИБАСИ



ЎЗДАВНАШР

Бор 4229


С. Г. БОРОДАЙ

633.41

Б 833

ЎЗГАНИ
КВАДРАТ ШАКЛИДА
УЯЛАБ ЭКИШ ТАЖРИБАСИ

(Наманган областининг Тўрақўрғон районидаги
Киров номи колхоз)



ЎЗБЕКИСТОН ССР ДАВЛАТ НАШРИЁТИ
ТОШКЕНТ — 1957

МУНДАРИЖА

Кириш	3
Колхознинг табиий шароити	5
Колхознинг ҳар томонлама ривожланиши	6
Колхознинг асосий тармоғи	9
Вўзани парвариш қилиш	11
Квадрат қилиб уялаб экиш—қўл меҳнатини кам сарфлаб, кўп ҳосил олишнинг гаровидир	16
Меҳнатни уюштириш	20
Колхоз даромадини ошиши	22
Колхознинг донгдор кишилари	25
Колхознинг бундан кейинги ривожланиши	27

На узбекском языке

СЕРГЕЙ ГАВРИЛОВИЧ БОРОДАЙ

КВАДРАТНО-ГНЕЗДОВАЯ КУЛЬТУРА
ХЛОПЧАТНИКА

В Колхозе имени Кирова

Госиздат УзССР — 1957 — Ташкент

Таржимон С. Саидахмедов
Редактор Ж. Жалолов

Техредактор А. Бахтиров
Корректор А. Хусанова

Теришга берилди 2/VIII 1957 й. Босишга рухсат этилди 21/XI 1957 й. Формат 84×108^{1/32}. О. 475, бос. л. 1.43 шарт. б. л. Нашр. л. 1.27. Тиражи 5 000. Индекс: қ/х. Ўзбекистон ССР Давлат нашриёти. Тошкент, Полиграф кўчаси, 74. Шартнома № 300—57.

Ўзбекистон ССР Маданият министрлиги Главиздатнинг 1-босмаҳонаси.
Тошкент, Ҳамза кўчаси, 33. Заказ № 1304. Баҳоси 40 т.

К И Р И Ш

Маълумки, ғўзани квадрат шаклида уялаб экишнинг қаторлаб экишга нисбатан анча афзалликлари бор. Ғўза квадрат шаклида экилганда қатор оралари тор қилинганидан, ҳар гектарда кўпроқ ўсимлик бўлади, улар бир текисда жойлашади, ҳосил тезроқ етилади, ғўзани узунасига ва кўндалангига ишлашда машиналардан тўлиқ фойдаланилади, қўл меҳнати кам кетади.

Ўзбекистон колхозларида квадрат қилиб уялаб экилган ерлардан, қаторлаб экилган жойлардагига қараганда, гектаридан 2—10 центнер ортиқ ҳосил олинмоқда. Бунда ўсимликлар бир текис жойлашганидан, сув ва ўғитдан яхши фойдаланилади, шунингдек уларнинг ўти-ни ўлдириш ҳам осон бўлади. Агар ғўзани бир марта узунасига культивация қилинганда 32 процент ўт қолса, бир марта узунасига ва кўндалангига культивация қилинганда 13—15 процент ўт қолади. Кейинги ишловлар сифатли қилинса, ғўза ўтдан бутунлай тозаланади. Шунинг учун қатор ораларини машиналар билан узунасига ва кўндалангига ишланса, қўл меҳнатига ҳожат қолмайди. Аммо ҳали ҳам кўп колхозлар қўл меҳнатини кўп сарфламоқдалар. Квадрат қилиб уялаб экилган ғўзаларни ҳам 4—5 марта кетмон чопиқ қилиб, меҳнат кунининг ортиқча сарф бўлишига йўл қўймоқдалар.

Шу билан бирга квадрат қилиб уялаб экиш усулидан унумли фойдаланаётган колхозлар ҳам оз эмас.

Улар тупроқ шароитини, экинни қанчалик ўт босганини ҳисобга олиб чопиқ ва ўтоқ қиладилар. Ўт босмаган ерларни бутунлай чопиқ қилмайдилар. Бу колхозлар ғўзани парвариш қилишда меҳнат кунини 40—50 процент кам кетказиб, мўл ҳосил етиштирадилар.

Ўтган йили квадрат қилиб уялаб экиш натижасида колхозларда ҳар гектар ғўзани ишлашда 20—25 меҳнат кунини тежалди. Ҳолубки ғўза қатор ораларини ишлашда меҳнат кунини янада кўпроқ тежаш мумкин эди. Бунини қуйидаги мисолдан кўриш мумкин. Бир гектарни бир марта чопиқ қилиш учун 11,5—17,5 меҳнат кунини, тўрт марта чопиқ қилиш учун 46—70 меҳнат кунини сарфланади. Узунасига ва кўндалангига бир марта культивация қилишда 1,4, тўрт марта культивация қилинганда 5,6 меҳнат кунини кетади. Кетмон чопиғини озайтириш билан меҳнат сарфини 4—5 ҳисса камайитириш мумкин.

Наманган областининг Тўрақўрғон районидаги Киров номли колхоз тажрибасини етиштирилаётган маҳсулотга сарф қилинган меҳнатни икки ҳиссадан зиёдроқ камайитириш мумкинлигини кўрсатди.

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитети бу колхоз тажрибасини оммалаштириш тўғрисида махсус қарор чиқарди. Бошқа колхоз ва совхозларни Киров номли колхозда ғўза қандай парвариш қилиниши билан таништириш уларга оз меҳнат сарф қилиб, пахта ҳосилини оширишга имкон беради.

КОЛХОЗНИНГ ТАБИЙ ШАРОИТИ

Наманган областининг Тўрақўрғон районидаги Киров номли колхоз Қосонсой дарёси билан Сирдарёнинг ўнг томонида жойлашган. Колхоз ери жанубга томон қияроқ бўлиб, Сирдарё бўйидаги тик тушган жарликка туташади. Жарликнинг пасти дарё бўйлаб чўзилиб кетган тор соҳилдан иборат.

Колхоз ери қадимдан суғорилиб келинаётган типик бўз тупроқ ва яқинда суғорила бошланган ўтлоқ тупроқлидир. Бўз тупроқли ерлар шўрланмаган, саз ва қумоқ таркиблидир. Унда чиринди (1 процент), азот кам (0,08 процент) бўлиб, сувни яхши сингдиради. Бу ерларга кўпроқ гўнг солиб туриш керак. Шағал аралашган бўз тупроқлар ҳам учрайди. Бундай жойларда шағал қатлами ер юзасидан 0,8—1 метр чуқурликда ётади. Бўз тупроқли ерларда ер ости сувлари 10—15 метр пастда туради.

Ўтлоқ тупроқли ерлар оч тусли, улар кам ёки ўртача шўрланган; шағал қатлами ер юзасидан 1—2 метр, ер ости сувлари эса 1—1,5 метр чуқурликда жойлашган.

Колхоз ерининг асосий қисми Шимолий Фарғона каналидан, соҳилдаги ерлар Сирдарёдан сув ичади. Соҳилнинг юқори қисмида сув камчил.

Бу жойларнинг иқлими қуруқ, ўртача йиллик температура 14,6 даража. Йилнинг энг совуқ ойи — январь,



Колхоз раиси. Социалистик Меҳнат
Қаҳрамони Фаффор Ботиров.

энг иссиқ ойи—июлдир. Ёзда энг иссиқ температура 42 даражага, қишда энг совуқ температура—26 даражага боради. Энг кечки баҳорги қора совуқ 5 апрелда, энг эртаги кузги совуқ—10 октябрда тушади. Ўрта ҳисобда бир йилда 237 кун совуқ бўлмайди. Бир йилда, ўрта ҳисобда, 196 миллиметр ёгин ёғади.


Эрта баҳорда шимол ва шимоли-шарқ томондан эсадиган шамоллар тупроқ намини қуритиб юборади. Киров номли колхоз ерни яхшилаб суғориб, шунингдек ер-

га органик ва минерал ўғитлар солиб, пахтадан мўл ҳосил олади.

КОЛХОЗНИНГ ҲАР ТОМОНЛАМА РИВОЖЛАНИШИ

Колхозда деҳқончилик, чорвачилик, паррандачилик ва пиллачилик яхши ривожланган. Қолхозчилар хўжаликнинг ҳамма тармоқларини ривожлантиришда моҳирлик билан уларни бир-бирига боғлаб олиб бордилар; натижада сўнгги йилларда жамоат хўжалиги экономикасини кўтаришда, ўз турмушларини фаровон қилишда анча ютуқларга эришдилар.

Пахтачилик колхозда асосий тармоқдир. Кейинги 6 йил ичида пахта майдони салгина кенгайди, ялпи пахта ҳосили эса 43 процент кўпайди. Бунга агротехникани яхши йўлга қўйиш, дала ишларида машиналардан кўп-



Сут-товар фермаси.

роқ файдаланиш натижасида эришилди. Шу йиллар ичида колхознинг бошқа тармоқларини ривожлантиришда ҳам анча иш қилинди. Масалан, қорамолларнинг сони 180 дан 318 га, шу жумладан сигирлар сони 32 дан 80 га етди. Ҳар бир сигирдан соғиб олинадиган йиллик сут миқдори 145 литрдан 803 литргача ошди. Соғиб олинган сутнинг умумий миқдори 16 марта кўпайди.

Яйлов йўқлигидан қўй ва эчкилар сони ўзгармади. Ҳар бир қўйдан қирқиб олинадиган жун миқдори 0,8 килограммдан 1,2 килограммга етди. Лекин қўйлардан қирқиб олинаётган жун миқдори ҳали кам. Бунга сабаб шуки, қўйларнинг зотини яхшилаб, уларнинг жунини кўпайтиришга етарли эътибор берилмаётир.

Колхозда чўчқа асраш ҳам йўлга қўйилди. 1956 йилда битта ҳам чўчқа йўқ эди. Ҳозир ҳаммаси бўлиб 77 чўчқа бор. Отларнинг умумий сони ўзгармаган бўлса ҳам, ишлатиладиган отлар сони 35 дан 59 га борди. Дон етарли бўлмаганидан паррандалар сони бир оз камайди. Лекин колхозда гоз, ўрдак боқиш учун ҳамма имконият бор.

Колхознинг деҳқончиликдан оладиган пул даромади кейинги 6 йил ичида 37 процент, чорвачиликдан оладигани 27 барабар, пиллачиликдан келадигани 52 процент кўпайди.

Колхоз бир неча тармоқни бир-бирига усталлик билан боғлаб олиб бориши ва пахтачиликни асосий тармоқ қилиб олиши натижасида сердаромад хўжаликка айланди.

Кўп колхозлар хўжаликнинг бир тармоғинигина ривожлантирадилар. Натижада қолган тармоқлар асосий тармоқдан келадиган пул даромад ҳисобига сақланиб туради; бунинг орқасида улар, айниқса чорвачилик фермалари фойдадан кўра кўпроқ зарар келтиради. Киров номли колхозда ҳам ҳали ҳамма чорвачилик фермаси унчалик фойда келтирмайди. Лекин колхоздаги ҳамма тармоқларни сердаромад қилиш учун бўлган ҳаракат жуда ўринлидир.

КОЛХОЗНИНГ АСОСИЙ ТАРМОҒИ

Колхознинг умумий ери 1354 гектар бўлиб, шундан 869 гектари суғориладиган ердир. 1956 йилда 628 гектар ерга, яъни суғориладиган ернинг 72 процентига чигит экилди. Бундан ташқари, 49 гектарга маккажўхори, 20 гектарга қўқонжўхори, 52 гектарга шоли, 58 гектарга сабзавот ва полиз экинлари, 66 гектарга беда экилди. Шулардан 7 гектар сабзавот ёш токзорга, 7 гектар беда эса ўсиб турган маккажўхори орасига экилди. Колхозда 10 гектар токзор бор, шундан 3 гектари ҳосилга кирган. 1950—1956 йиллар ичида қандай экинлар экилгани 1-жадвалда кўрсатилган.

1-жадвал

Экинлар	Экин майдони (гектар ҳисобида)		
	1950 йил	1955 йил	1956 йил
Умумий ер майдони	1329	1498	1354
Шу жумладан:			
пахта майдони	612	783	628
маккажўхори майдони	4	—	49
қўқонжўхори майдони	1	—	20
шолипо	85	52	52
сабзавот ва полиз экинлари .	4,5	58	58
бедапо	106	76	66
токзор	3	3	10

1956 йилда олдинги йилларга нисбатан пахта майдони камайди, чунки колхознинг Задарё участкаси Задарё районидаги бошқа бир колхозга берилди.

1950 йилда Қиров номли колхоз гектарида 26,4 центнер, 1955 йилда 27 центнер пахта ҳосили олган бўлса, 1956 йилда квадрат қилиб уялаб экиш натижасида 36,7 центнердан ҳосил олиб, давлатга 1955 йилдагига қараганда 6092 центнер кўп пахта топширди.



Сирдарё соҳилида янги ерларни узлаштириш.

Мўл ҳосил етиштиргани учун колхозга Ўзбекистон ССР Олий Совети, Ўзбекистон Министрлар Совети ва Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг қўчма қизил байроғи берилди.

1956 йилда ғўза парваришида 1057 киши, яъни колхоздаги меҳнатга яроқли кишиларнинг 93 проценти ишлади. Бунда уларнинг ҳар бири ўрта ҳисобда 146 меҳнат кун ишлади. Лекин улар хўжаликнинг бошқа соҳаларидаги ишларни ҳам бажардилар. Шунинг учун колхоз бўйича меҳнатга яроқли ҳар бир кишига ўрта ҳисобда 248 меҳнат кун тўғри келди. Бунчалик кўп меҳнат кун ишланиши колхозчиларнинг жамоат ишига актив қатнашишини кўрсатади.

Иш унумини ошириш учун колхоз далачилик бригадаларини йириклаштирди. 6 йил ичида 20 бригада қисқартирилиб, 16 бригадага келтирилди. 1950 йилда ҳар бир далачилик бригадасининг ери 30 гектар бўлса, 1956 йилга келиб 39 гектарга, баъзилариники, ҳатто, 55 гектарга етди. Шундай бўлса ҳам, бригадаларни йириклаштириш давом эттирилмоқда. Йириклашган

бригададарда трактор ва қишлоқ хўжалик машиналаридан тўлароқ фойдаланилади, меҳнат унуми ошади ва ортиқча харажатлар камаяди. Колхоз куч ва маблағнинг асосий қисмини пахта етиштириш учун сарфлайди. Шунинг учун пахтадан келадиган пул даромад умумий даромаднинг 88 процентини ташкил этади; бу эса колхоз экономикасига ва меҳнат куни қийматининг ортишига таъсир қилади. Пахтани янада кўпроқ етиштириш, шунингдек ишчи кучидан тўлароқ фойдаланиш мақсадида колхоз правлениеси Сирдарё соҳилидаги ердан 500 гектарини ўзлаштиришга қарор қилди.

1956 йилда 70 гектар ерда каналлар, коллектор ва зовурлар қазилди. 1957 йилда 430 гектар янги ер ишга солинди. Бу ерларга пахта, шоли, сабзавот ва полиз экинлари экилди.

ҒЎЗАНИ ПАРВАРИШ ҚИЛИШ

1956 йилда чигит экиш мўлжалланган ерларни колхоз кузда қаттиқ совуқлар бошлангунча 27—30 сантиметр чуқурликда ҳайдаб қўйди. Шудгорлаш олдидан ҳар гектарга 200 килограмм суперфосфат ва 15—16 тонна чириган гўнг солинди. Шудгорланган ерлар мартнинг биринчи ярмида бороналанди. Бороналаш олдидан ҳам гектарига 250 килограммдан суперфосфат солинди. Бороналаш билан бирга ерлар текисланди. Экишдан олдин ҳам ер бороналаниб, мола босилди. Чигит экиш колхозда эртароқ, яъни суткалик ўртача температура 10 даражадан паст бўлмаганда бошланади. 1956 йилда колхозда чигит экиш 18 мартдан 4 апрелгача давом этди. 50×50 сантиметр схемаси билан 180 гектар ерга чигит квадрат қилиб уялаб экилди. 144 гектарга қатор ораларини 50 сантиметрдан, 304 гектарга қатор ораларини 45 сантиметрдан қилиб чигит қаторлаб экилди.

10 апрелда чигит ёппасига униб чиқди. Квадрат қилиб экилган жойларнинг кўндаланг қатори билиниши билан кўндалангига биринчи марта культивация қилинди. Бунда

тракторчилар аниқ квадратлар ҳосил бўлишига эришдилар. Аниқ квадратлар ҳосил қилишда сеялкани тўғри созлаш, ерни яхшилаб текислаш, тракторчиларнинг тўғри мўлжал олиши, чигитни иккита контрол чизиқ олиб экиш ва ўлчов симини 40—45 килограммгача таранглаш муҳим ўрин тутати.

448 гектар ердаги қаторлаб экилган ғўза машина билан кўндалангига қирқиб чиқилди. Бунинг учун культиваторнинг олдида пичоқлар, ортига кенглиги 150 миллиметрли ғоз панжалар ўрнатилди.

Қаторлардаги ғўзалар кўндалангига қирқилганда ҳосил бўлган эгатлардан колхозчилар юриб, қолган ғўзаларни тўғрилаб ва бир миқдорда қолдириб, ягана қилиб чиқдилар.

Колхозда ғўзалар олдин кўндалангига, сўнгра узунасига культивация қилинади. Шу ҳилда культивация қилиш 15—20 кун давом этади.

Ҳар гектарда кўпроқ ўсимлик қолдириш учун биринчи марта узунасига культивация қилишда трактор сеялка изидан юргизилади. Экишда қаердан қайрилган бўлса, бунда ҳам худди шу ердан бурилади. Иложи бор жойда тракторчи тракторни даладан четга чиқариб буриб ёки битта ортки ғилдираги атрофида айлантриб, қайтаради.

Трактор культивациясини сифатли ўтказиш натижасида чуқур кетмон чопиғига ҳожат қолмади. Бир-икки енгил кетмон чопиғи етарли бўлиб қолди. 209 гектар ердаги ўти кам ғўза фақат бир-икки марта ўтоқ қилинди; уя атрофидан чиққан битта-яримта ўтлар юлиб ташланди.

Ғўза бир мавсумда 4 марта узунасига ва 3 марта кўндалангига культивация қилинади; культивация ўғит солиш ва суғориш билан боғлаб олиб борилади. Қатор ораларини дастлабки ишлашдан олдин эгат олиниб (айни вақтда органик минерал ўғит аралашмаси ҳам солинади), сув қўйилади. Орадан 2—3 кун ўтиб, ер етилиши билан олдин кўндалангига, кейин узунасига культивация қилинади.

Мўл ҳосил етиштиришда органик-минерал ўғит аралашмасини ўз вақтида солиш катта роль ўйнайди. Қатор ораларини узунасига ва кўндалангига ишлаш ғўзанинг озиқ моддалардан фойдаланишини яхшилайти. Илгари ўғит узунасига очилган эгатларга солинганидан унинг кўп қисмини сув ювиб кетар эди. Ҳозир дастлабки икки марта ўғитлашда, ўғит ҳам кўндалангига, ҳам узунасига очилган эгатларга солинади. Бунда ғўза илдизлари ҳам-ма томонидан озиқлана олади, ўғит эса камроқ ювилади. Учинчи марта ўғитлашда ўғит фақат узунасига очилган эгатларга солинади. Бу вақтда ғўза анчагина ўсиб қолган бўлади.

1956 йили қаторлаб экилган ғўзалар кўндалангига қирқилиб, сўнгра қўл билан ягана қилиб чиқилгач, биринчи марта ўғит берилди. Бунда ҳар гектарга 250 килограмм суперфосфат, 250 килограмм аммиак селитра, 150 килограмм кальций хлорид ва 300—400 килограмм чириган ғўнг солинди. Кейин эгат оралатиб жилдиратиб сув қўйилди. Ғўза эртароқ ўғитланиши натижасида 10—15 кун олдинроқ ривожланди.

Биринчи марта суғоришдан олдин (25 май—5 июнь) ғўзага иккинчи марта ўғит берилди. Бунда ҳар гектарга 300 килограмм суперфосфат, 350 килограмм аммиак селитра, 100 килограмм кальций хлорид ва 400 килограмм чириган ғўнг солинди.

Иккинчи марта суғоришдан олдин (10—20 июль) учинчи марта ўғит берилди. Бунда гектарига 300 килограмм суперфосфат, 200 килограмм аммиак селитра ва 400 килограмм чириган ғўнг солинди. Шундай қилиб бир йилда ҳар гектарга 13 центнер суперфосфат, 8 центнер аммиак селитра, 2,5 центнер калийли ўғит ва 17 тонна чириган ғўнг тушди.

Ғўза парваришида комплекс механизацияни қўлланиш ва илғор агротехникадан фойдаланиш натижасида колхоз мўл ҳосил етиштирди.

Колхозчилар ҳар йили обиҳаво шароитининг келишига қараб агротехникани ўзгартирадилар. Масалан, ўтган йили ғўзалар қийғос кўкариб чиқиши учун чигит суви берилди (чунки далаларнинг атрофи очиқ бўлганидан шамол тупроқни қуришиб қўйган эди). Бунинг натижасида ғўза гулга киргунча биринчи сувни кечиктириш имкони туғилди. Ғўза гуллаётганда ҳар 7—8 кунда суғориб турилди. Суғориш муддатини тажрибадор сувчилар ўсимликнинг ҳолатига ва сувга бўлган талабига қараб белгиладилар.

Квадрат қилиб уялаб экилган ғўзаларни айниқса усталик билан суғориш керак. Шунинг учун 45×45 ва 50×50 сантиметр схемаларида экилган ғўзаларни дастлабки уч марта суғоришда сув эгат оралатиб берилди. Бунда ҳар гал суғоришда ўтган сафар сув қўйилмаган эгатлардан сув берилди. Шундай қилиб тупроқнинг текис намланишига эришилди. Кейинги суғоришларда сув эгатларга текис қўйилди. Ғўза ҳаммаси бўлиб 6—8 марта сув ичди.

Ҳар бир далада тупроқнинг унумдорлигига ва механик таркибига, ўсимликларнинг ҳолатига қараб ўзига мос келадиган агротехника қўлланилди. Масалан, унумдор ерларнинг ҳар гектарига бир йилда 5—6 центнер аммиак селитра, 9—10 центнер суперфосфат, 1,5—2 центнер калийли ўғит ва 10—12 тонна гўнг солинди. Бу ерлар 6—7 марта суғорилди. Шағалли ориқ ерларга аммиак селитра 8—10, суперфосфат — 13—15, калийли ўғит — 2,5—3 центнердан ва гўнг 18—20 тоннадан солиниб, 8—9 марта суғорилди.

Квадрат қилиб уялаб экиш ўсимликларнинг ривожланишига зарар етказмай ҳар гектардаги ғўза тупларини оширишга имкон беради. Илгари, қатор оралари 70 сантиметр қилиб экилганда ҳар гектардаги ғўза сони 80 минг тупга зўрға етган бўлса, қатор ораларини 45 ва 50 сантиметрдан қилиб экиб, ҳар уяда 2—3 ўсимлик қолдирилганда 110 минг тупга, шағалли ерларда эса 127 минг

тупга етди. Ҳар бир гектар ердан тўла фойдаланиш учун колхозчилар далаларнинг бурчакларига ва четларига, ўқариқларнинг бўйларига ҳам чигит экиб чиқдилар. Хато жойларга чиринди тувакчаларда тайёрланган кўчатларни экидилар. Сув чиқадиган ерда ҳеч бўш жой қолдирмаслик колхозчилар учун одат бўлиб қолган.

Зараркунандаларнинг пайдо бўлишига йўл қўймаслик учун улар қишлайдиган ва тухум қўядиган жойларга (ариқ четларига, йўл ёқаларига) заҳарли дорилар сеппирилди.

1957 йилда Киров номли колхозга Оржоникидзе номли колхоз қўшилди. Собиқ Оржоникидзе номли колхоз бригадаларининг ери яхлитлаштирилди. Илгари суғориладиган 48 та участка яхлитлаштирилиб, 18 тага келтирилди. Бунда ортиқча ариқларнинг кўмиб юборилиши, уватларнинг йўқотилиши натижасида экин майдонларига 15 гектар ер қўшилди.

1957 йилда экин экиш учун 1956 йил кузида 1200 гектар ер шудгор қилинди. Шудгорлаш олдидан ҳар гектарга 150 килограмм суперфосфат ва 5—6 тонна гўнг солинди.

Тупроқ намини сақлаш учун шудгор мартнинг биринчи ярмида бороналанди. Бороналаш олдидан ҳар гектарга самолётда 250 килограмм суперфосфат чочилди.

Бу йил 1283 гектар ерга чигит экилди. Чигит энг қулай муддатда — 25 мартдан 9 апрелгача экиб олинди. Чигит экиш вақтида ҳар гектарга 60 килограмм ҳисобидан аммоний сульфат ҳам солиб кетилди. 50×50 сантиметр схемасида 267 гектар ерга чигит квадрат қилиб уялаб экилди. Қолган майдонларга қатор ораларини 45 ва 50 сантиметрдан қилиб қаторлаб экилди.

Баҳорда ёгингарчилик етарли бўлганидан чигит тупроқ намига униб чиқди. Майсаларнинг қалинлиги текис бўлди. Колхоз шу вақтгача гўзаларни 3 марта (узунасига ва 3 марта) кўндалангига культивация қилди. 600 гектардаги гўза бир марта чопиқ қилинди. Ҳамма пахта

майдонлари бир сидра ўтоқ қилиб чиқилди. Суғоришда ўқариқлар сони камайтирилди, уларнинг туби ясси қилинди ва эгат текис намланадиган қилиб даланинг бошидан охиригача сув қўйилди. Бу суғоришга кетадиган вақтни камайтиришга ва сувни тежаб сарфлашга имкон берди. Мавсумда ғўза 8 марта сув ичди.

Уч марта ўғитлашда ҳар гектарга 10—12 тонна чирканг ғўнг, 5—6 центнер суперфосфат ва 3—4 центнер аммиак селитра тушди. План бўйича колхоз гектаридан давлатга 33 центнер пахта топшириши керак, колхозчилар эса 40 центнердан ҳосил етиштириш учун ҳаракат қилмоқдалар.

КВАДРАТ ҚИЛИБ УЯЛАБ ЭКИШ — ҚЎЛ МЕҲНАТИНИ ҚАМ САРФЛАБ, ҚЎП ҲОСИЛ ОЛИШНИНГ ГАРОВИДИР

Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришида меҳнат унумини оширишда экинларни ўлчов сими билан квадрат шаклида уялаб экиш, қатор ораларини узунасига ва кўндалангига машиналар билан ишлаш муҳим ўрин тутди. Колхоз ғўза парваришида бу илғор усулни қўлланиб, пахта ҳосилини оширди, ҳар центнер пахтани етиштириш учун кетадиган қўл меҳнатини ҳамда моддий ва пул харажатини анча камайтирди.

Колхоз 1950 йилда қатор ораларини 60 сантиметрли қилиб экишга ўтди. Бунинг натижасида 2—3 йил ичида гектар бошига ҳосил 5 центнердан ошди. Аммо бунда қатор оралари фақат узунасига культивацияланиб, қаторлар кетмон чопиғи қилинди. Шунинг учун ҳар гектар ғўза парваришига жуда кўп — 350—360 меҳнат кунини сарф бўлди.

1954 йилда колхоз биринчи марта 10 гектарга чигитни квадрат қилиб уялаб экиб, қатор ораларини узунасига ва кўндалангига ишлади. Бу ғўзалар қаторлаб экилган ғўзаларга қараганда икки марта кам чопиқ қилинди.

Натижада шу майдондан колхоз гектар бошига 42,6 центнердан ҳосил олди.

1955 йилда Н. Тошматов бошлиқ бригада 52 гектарга чигитни янги усулда экиб, қатор ораларини уч марта узунасига ва кўндалангига ишлади ва ҳар гектардан 42 центнер ҳосил олди.


1956 йилдан колхоз чигитни квадрат шаклида уялаб экиш ҳамда қатор ораларини узунасига ва кўндалангига ишлаш усулига бутунлай ўтди.

Бу янги усул ҳамма агротехника тадбирларини ўз вақтида ўтказиш имконини берди. Илгари эски усулда экиб, парвариш қилинганда пахта бир текис очилмай, ҳосилнинг етилиши кечикиб кетарди. Йиғим-терим қишгача чўзилиб, кузги шудгор учун имкон қолмасди. Энди ғўза янги усулда ўстирилиб машиналар билан узунасига ва кўндалангига ишланганида ғўзанинг ўсиши ва ривожланиши учун қулай шароит туғдирилади, ҳосил эрта етилади. Шу сабабли колхоз пахтани тезроқ териб олади ва қиш тушгунча ҳамма экин ерларини ҳайдаб қўяди. Кузда ўз вақтида шудгорлаш келгуси йил ҳосилига 15—20 процент ҳосил қўшиш демакдир.

Ғўзани янги усулда ўстириш ҳосилни оширди. Ҳар гектардан 9,7 центнер қўшимча ҳосил олинди.

Ғўзани квадрат қилиб уялаб экилганда ҳосил ошиши билан бирга бир центнер пахта етиштириш учун сарфланадиган меҳнат ҳам камаяди. Масалан, 1955 йилда ғўза 5 марта узунасига, 1 марта кўндалангига культивация, 4 марта чопиқ қилинганида бир центнер пахта етиштириш учун 12 меҳнат куни кетди. Кейинги йилда эса ғўза 3 марта кўндалангига, 4 марта узунасига культивация, 2 марта чопиқ қилинганида бир центнер пахта етиштириш учун 6,7 меҳнат куни сарфланди. Бунда оғир тупроқли ерларгина чопилди, енгил тупроқли ерларда фақат дала четлари ва ариқ бўйларигина чопилди.

Баъзи бригадалар жуда яхши натижаларга эришдилар. Масалан, М. Абдуллаев бригадаси ғўзани 2 марта



чопиқ, 2 марта ўтоқ қилиб, 40 гектар ернинг ҳар гектаридан 36,6 центнер (бир центнер пахтага 6,4 меҳнат куни сарфланган), С. Аббосов бригадаси бир марта чопиқ ва бир марта ўтоқ қилиб, 55 гектар ернинг ҳар гектаридан 37,6 центнер (бир центнер пахтага 5,3 меҳнат куни сарфланган), А. Эркинбоев бригадаси эса, фақат бир марта чопиқ қилиб, гектаридан 40,6 центнер (бир центнер пахтага 4,9 меҳнат куни кетган) ҳосил олди.

Колхоз машиналардан тўла фойдаланиши натижасида ҳар гектар ғўза парваришига кетадиган меҳнат сарфини 34 процент камайтирди. Масалан, 1950 йилда бир гектар ғўза парвариши учун 369 меҳнат куни кетган бўлса, 1956 йилда 245 меҳнат куни кетди, бир центнер пахта етиштириш учун сарф қилинган меҳнат эса шу давр ичида 2 марта қисқарди. Пахта майдонларининг ҳаммасида 59 минг меҳнат куни ёки 42 166 киши куни тежалди.

Колхозчи ва тракторчиларнинг ҳалол меҳнати, колхозда иш тўғри уюштирилиб, интизом яхши йўлга қўйилганлиги туфайли меҳнат унуми ошди. 1950 йилда меҳнатга яроқли ҳар бир колхозчи ва тракторчи бошига 17,6 центнердан, 1956 йилга келиб эса 21,8 центнердан ҳосил етиштирилди, яъни меҳнат унуми 24 процент ошди. олтинчи беш йилликда мамлакатимиз колхозлари меҳнат унумини оширишда эришиши лозим бўлган даражага Киров номли колхоз бир йилда етиб олди.

Меҳнат унумини янада ошириш учун Киров номли колхозда имконият бор. Ҳозир ҳар бир колхозчига 0,6 гектар ғўзани ишлашга тўғри келади. Ғўза парваришида комплекс механизациядан фойдаланилса, ҳар бир колхозчи кўрсатилгандан 4—5 марта ортиқ ердаги ғўзани парвариш қилиши мумкин. Бундан ташқари, колхоз ҳар центнер пахта етиштиришда ҳам меҳнат сарфини анча камайтириши мумкин. Ҳозир бир центнер пахта етиштиришда 7 ва ундан ҳам ортиқ меҳнат куни кетказадиган бригадалар ҳам бор. Булар ҳам илғор бригадаларга тенг олишиб олишса, меҳнат куни 2 барабар кам кетади. 1957

йилда колхоз ҳар центнер пахтага кетадиган меҳнат сарфини 3,5 меҳнат кунига туширишга ҳаракат қилаётир. Бунга эришганда 400 минг меҳнат куни тежалади.

Меҳнат унумининг тез ошиши натижасида колхоз 1956 йили пахта планини 111,5 процент бажарди, даромади кўпайди ва колхозчиларнинг моддий фаровонлиги яхшиланди.

Квадрат шаклида уялаб экиш меҳнат унумини кескин оширишга имкон беради. Шунинг учун бу имкониятдан ҳамма пахтакор колхозлар фойдаланиши зарур. Шундагина пахтани 1,5 ҳисса кўп етиштириш вазифаси тезроқ бажарилади.

Бизнинг мамлакатимизда меҳнат унумининг тез ўсиши сиёсий ва иқтисодий аҳамиятга эга. Шунга асосан СССР қишлоқ хўжалигидаги асосий вазифа, аҳоли жон бошига қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришда Америка Қўшма Штатларига етиб олиш ва ундан ўзиб кетиш масаласи тезроқ ҳал бўлиши мумкин.

Ишнинг қайси турлари бўйича колхоз меҳнат сарфини камайтира олди? Буни икки далачилик бригадасининг 1956 йилда қилган ишларини бир-бирига таққослаб кўриб билиш мумкин.

Н. Обидова бошлиқ 9-бригада 27 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 33,7 центнер ҳосил олди. Бу бригада бир центнер пахта етиштириш учун 7,2 меҳнат куни сарф қилди. Т. Сиддиқов бошлиқ 11-бригада эса 30 гектарнинг ҳар гектаридан 48,2 центнер пахта олди; бир центнер пахта етиштириш учун 6,6 меҳнат куни кетди. Шундай қилиб Т. Сиддиқов бригадаси меҳнатни камроқ сарф қилиб, мўл ҳосил олди.

Чигит экиш вақтида Н. Обидова бригадаси маҳаллий ўғит солиш, мола босишга кўпроқ, ерни текислашга камроқ меҳнат сарфлади. Т. Сиддиқов бригадаси эса ерни текислашга жиддий эътибор берди. Ғўза қатор ораларини ишлаш вақтида Н. Обидова бригадаси ўқариқлар олиш, суғориш, ўтоқ қилишга кўп меҳнат кетказди. Т. Сиддиқов

бригадаси қўл ишидан кўра культивацияга зўр берди; ғўза қатор ораларини ишлашда сарфланган умумий меҳнат Н. Обидова бригадасиникига қараганда кам бўлди.

Н. Обидова бригадаси пахта теримига ҳам кўп меҳнат сарфлади.

Киров номли колхозда пахта етиштириш учун сарф қилинган меҳнат кунлари ҳисоблаб чиқилганда, унинг 17 проценти чигит экишдаги ишларга, 30 проценти қатор ораларини ишлашга, 53 проценти йиғим-теримга кетганлиги аниқланди. Аммо баъзи бригадалар, масалан, Т. Сиддиқов бригадаси, қатор ораларини ишлашга колхоз бўйича сарфланган ўртача меҳнатга қараганда 25 процент кам меҳнат сарфламоқдалар.

Колхоз пахта теримига ҳали кўп куч кетказмоқда, шунинг учун у пахтани машинада теришга ўтиши керак.

МЕҲНАТНИ УЮШТИРИШ

1955 йилгача колхозда трактор билан қилинган ишларнинг сифати паст эди, чунки тракторчилар бирон далачилик бригадасига биркитилмаганидан, ишнинг сифатига ҳеч ким жавобгар эмас эди.

1956 йилдан бошлаб аҳвол ўзгарди. МТС ўзидаги ҳар бир тракторчини иш мавсумида маълум далачилик бригадасининг ерини ишлаш учун биркитиб қўйди. Бунда ишнинг сифатига ҳар бир тракторчи жавоб берадиган бўлди. Тракторчилар бажарган ишларни бригада бошлиқлари ва колхоз агрономи Т. Эгамбердиев акт билан қабул қилиб оладиган бўлди. Бунинг натижасида трактор билан қилинган ишларнинг сифати яхшиланди, пахта ҳосили ошди.

Тракторчилар ишнинг сифатли бўлишига ўз ер шароитини яхши билган колхозчилар ҳам ёрдам берди, бунинг устига кўп тракторчилар колхозчилардан чиққан. Трактор билан экиш, эгат олиш ва культивация қилиш ишлари ортиғи билан бажарилди.

1956 йил қишида колхоз сеялкачи, фиксаторчи, лебёдкачи, контролёр ва ўлчов симини кўчириб юривчи кадрлар тайёрлади. Бу йил баҳорда 16 та сеялка ажратилди, шундан биттаси чигитни квадрат қилиб уялаб экишда ишлади. Тракторчилар далачилик бригадаси бошлиқлари билан биргаликда ҳар гектарда 100—110 минг туп ўсимлик қолдириш ва 40 центнердан ҳосил етиштириш мажбуриятини олганлар. Шунинг учун улар трактор билан бажариладиган ишларнинг сифатли бўлиши учун ҳаракат қиладилар.

1957 йилдан бошлаб колхозда иккита ишлаб чиқариш участкаси ташкил этилиб, ҳар қайсисига трактор бригадалари бирктирилди. Ҳар бир чопиқ трактори мавсумда 42 гектар ғўзани ишлаши керак.

Ғўза қатор ораларини ишлаш даврида трактор бригадалари билан далачилик бригадаларининг ишини боғлаб олиб бориш учун пахтакор бригада ҳар куни 8 сувчи ажратади. Сувчилар трактор бир сменада культивация қила оладиган майдонни, яъни 8 гектар ғўзани суғорадилар. Тупроқ этилиб, культивация қилинган, шу майдондаги ғўзани чопиқ қилиш учун 20 колхозчи ажратилади.

Яхлитлаштирилган 15—20 гектар ердаги ғўзани колхоз 2—2,5 кунда суғоради. Бунинг учун сувни етарли қилиб ҳамма муваққат ариқ ва ўқариқлардан берилади; икки сменада 16 сувчи ишлайди.

Яхлитлаштирилган участкаларда суғоришни тўғри уюштириш ғўзанинг ўсиш даврида ўз вақтида узунасига ва кўндалангига культивациялашга ҳамда техникадан унумли фойдаланишга имкон беради.

Колхозда трактор ва далачилик бригадаларининг биргаликда ишлаши натижасида ғўза қатор оралари яхшилаб культивацияланмоқда, тупроқнинг қуриб қолишига йўл қўймай, доим юмшоқ ва ўтлардан тозаланган ҳолда сақланмоқда.

Тракторчилар каби колхозчилар ҳам иш (чопиқ, суғориш, пахта териш) нормаларини ортиғи билан бажараё-

тирлар. Масалан, сувчилардан М. Мусаев ва Т. Жўраб-
евлар 1956 йили ўз нормаларини 100 процент, А. Оху-
нов — 150 процент, О. Қирғизов — 200 процент бажарди-
лар. Қолхозчилардан С. Абдуллаева мавсумда 14 тонна,
А. Тошматова эса 16 тонна пахта тердилар.

Ўзани яхши парвариш қилганлар мўл ҳосил олмоқ-
далар. Масалан, Н. Тошматов бригадаси 42 гектар ернинг
ҳар гектарида 44,5 центнер, Т. Сиддиқов бригадаси 30 гек-
тар пахта майдонидан 48,1 центнердан ҳосил олди. 5 да-
лачилик бригадаси гектар бошига 40 центнердан ортиқ
ҳосил етиштирди. 11-бригададаги К. Холмирзаева звеноси
12 гектар ернинг ҳар гектарида 62 центнер, 3-бригада-
даги О. Қирғизов звеноси эса 12 гектар ўзанинг ҳар
гектарида 63 центнер ҳосил олди.

Қолхоз ҳар гектарида олинадиган ўртача ҳосилни
илғор бригадалар олаётган ҳосилга етказганда эди, кол-
хозда пахта 20 процент кўп етиштирилар эди.

КОЛХОЗ ДАРОМАДИНИНГ ОШИШИ

1956 йилда олинган мўл ҳосил колхознинг пул даро-
мадини оширди (2-жадвал).

2-жадвал

Даромадлар	Йиллар		
	1950	1955	1956
Умумий пул даромад (минг сўм ҳи- собида)	6556	7099	9524
Шу жумладан:			
пахтачиликдан	5968	6148	8365
чорвачиликдан	17	103	464
пиллачиликдан	235	288	357

1956 йили колхоз пахтачиликдан ва бошқа тармоқ-
лардан кўп даромад олди ва бўлинмас фондни тўлди-



Болалар боқчаси.


риш, ишлаб чиқаришга зарур харажатлар, меҳнат кунларига тўлаш учун кўп пул ажратди. Бўлинмас фондга 1,4 миллион, ишлаб чиқариш харажатлари учун 1,6 миллион сўм ажратди. Қолхозчи ва тракторчиларнинг меҳнат кунига 4,4 миллион сўм тўланди.

Сўнгги олти йил ичида бўлинмас фондга ажратиладиган маблағ 29 процент, колхозчилар ва тракторчиларнинг меҳнат кунига бериладиган ҳақ икки баравар ошди.

Агар колхоз 1950 йилда ҳар меҳнат кунига 10 сўм 50 тийин пул ва 1,8 килограмм дон, 1955 йилда 6 сўм пул ва 1,6 килограмм дон берган бўлса, 1956 йилда 17 сўм пул ва 2,3 килограмм ғалла берди.

Ўтган йили колхознинг бўлинмас фонди 6,2 миллион сўмга етди, асосий ишлаб чиқариш воситаларининг қиймати 4 миллион сўмга борди.

Колхоз капитал қурилишга ҳам кўп маблағ сарфламоқда. Масалан, кейинги 6 йил ичида колхоз 250 бош



Янги ҳаммом.

мол кетадиган 2 сигирхона, 3000 қўй сиғадиган 5 қўтон, 400 бош ҳўкиз сиғадиган 3 молхона қурди.

Маданий-маиший соҳаларда ҳам қурилишга зўр берилмоқда. Ўтган олти йил ичида колхоз 50 кишилик ҳаммом, 75 бола учун 2 ясли, медпункт, 600 радио точкага мўлжалланган радиоузел, телефон, правлениега янги бино, 3 магазин, 500 тонна мол сиғадиган 2 склад, колхозчилар учун 3 хонали 52 уй ва узунлиги 6 километр йўл қурди.

Киров номли колхозда даромадни янада ошириш, маблағларни тежаш учун ҳам имконият кўп. Масалан, колхоз кўп ўғитни бефойда сарфлайди. Ерга солинган бир килограмм азот бадалига 13 килограмм, фосфор бадалига эса 15 килограмм пахта олинади. Гектаридан 40 центнер пахта етиштириш учун бир гектарга 160—200 килограмм азот ва 80—90 килограмм фосфор солиш кифоя қилади. Колхоз эса гектарига 357 килограммдан азот ва 277 килограммдан фосфор солди. Ўғитни тўғри сарфлаганда колхоз 388 минг сўм тежаган бўлар эди.

Колхоз алмашлаб экишга етарли эътибор бермайди. Бедапоя пахта майдонига нисбатан атиги 10,5 процентни

ташкил этади. Беда кўпроқ экилганда ерда органик модда кўпаяр эди. Натижада пахта ҳосили ортиб, даромад ҳам ошарди.

Колхоз ем-ҳашак, асбоб-ускуна минерал ўғит, ёнилғи, мойлаш материаллари сотиб олиш, зараркунандаларга қарши курашиш учун кетадиган харажатларни ҳам камайтириши мумкин. Бунинг учун мол озигини колхозда тайёрлаш, асбоб-ускуналарни эҳтиёт қилиб ишлатиш, аниқ учёт олиб бориш, ёнилғи ва мойлаш материалларини тежаб сарфлаш, минерал ўғитларни мўлжаллаб эмас, балки агрохимия лабораторияларининг маълумотларига асосан аниқ миқдорда солиш, зараркунандаларнинг кўпайиб кетишига йўл қўймаслик керак. Шундай қилинса, харажатларни 35—40 процент камайтириш мумкин.

Ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун тежалмай маблағ ажратилганлиги 1956 йилда ҳар центнер пахтанинг таннархи анча ошиб (291 сўм) кетишига сабабчи бўлди. Пахта таннархининг камайиши колхозда жамоат фонднинг ва меҳнат кунига тўланадиган пулнинг ошишига олиб келади.

Меҳнат ва маблағни камроқ сарфлаб, пахта ҳосилини ошириш учун кураш колхознинг асосий вазифаси ҳисобланади.

КОЛХОЗНИНГ ДОНГДОР КИШИЛАРИ

Колхозда етиштирилаётган мўл ҳосил ва олинаётган катта пул даромадлар колхозчи ва тракторчиларнинг фидокорона меҳнати натижасидир. Бир неча йил ичида колхозда моҳир бригада бошлиқлари, сувчилар ва сеялкачилар етишиб чиқди. Илғор агротехникани қўлланиш, машиналардан унумли фойдаланиш ва меҳнатни тўғри уюштириш туфайли Т. Сиддиқов, Н. Тошматов ва Х. Қосимовлар бошлиқ бригадалар мўл ҳосил етиштиришда яхши натижаларга эришдилар. Бу бригадаларда олинган

ҳосил колхоздаги ҳар гектардан олинган ўртача ҳосилдан 20—30 процент ортиқдир. Т. Сиддиқов бригадаси 30 гектар ернинг ҳар гектарида 48,1 центнер пахта олиб, колхоз бўйича олдинда бормоқда. Илғор звенолар ҳосилни бундан ҳам ошириб юбордилар. О. Қирғизов ва К. Холмирзаевалар бошлиқ звенолар квадрат шаклида уялаб экиш усулидан ижодий фойдаланиб, ҳар гектардан 62—63 центнер ҳосил етиштирдилар.

Коммунистик партия ва Совет ҳукумати илғорлар меҳнатини яхши тақдирлади. 1956 йилда кўп кишилар орден ва медаллар билан мукофотландилар. Звено бошлиқларидан К. Холмирзаева ва О. Қирғизовларга Ленин ордени берилди.

27-бригаданинг тракторчиси А. Турдиев мавсумда чигит экиш, ўғит солиш нормаларини 150 процент бажаргани учун Ҳурмат Белгиси ордени билан мукофотланди.

Колхоз раиси Ғаффор Ботиров ўз ишига моҳир. У машиналардан ва агротехникадан қандай фойдаланишни, шунингдек колхоз экономикасини яхши билади. У колхозда 1946 йилдан бери ишлайди. Фидокорона меҳнати учун у Ленин ордени, Ҳурмат Белгиси ордени ва медаллар билан мукофотланган. Ғаффор Ботиров колхозга моҳирлик билан раҳбарлик қилгани, квадрат қилиб уялаб экишни кенг қўллагани ҳамда меҳнатни кам сарф этиб, мўл пахта ҳосили олгани учун Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвонига сазовор бўлди.

Қолхоз агрономи Т. Эгамбердиев ҳам ўз ишини севади ва у астойдил берилиб ишлайди. Бу илғор кишилар колхознинг фахридир.

Мўл ҳосил етиштиришда колхозчилар қаторида Тўрақўрғон МТСи ходимларининг ҳам хизмати катта. МТС моҳир тракторчиларни етиштирди. Тракторчилар нчида айниқса Қ. Қобилов ва А. Турдиевлар чигитни янги усулда экиб, ғўза қатор ораларини ишлашга жуда уста.

КОЛХОЗНИНГ БУНДАН КЕЙИНГИ РИВОЖЛАНИШИ

Киров номли колхоз КПСС XX съезди директиваларини муваффақиятли суратда амалга оширмоқда.

1957 йилда колхозчилар ва тракторчилар гектаридан камида 40 центнердан ҳосил етиштириш учун ҳаракат қилмоқдалар. Бу 1955 йилдагидан 1,5 барабар ортиқ пахта етиштириш демакдир. Қолхоз ҳар 100 гектар экин майдонига тўғри келадиган чорвачилик маҳсулотини ҳам кўпайтириш учун курашмоқда.

Пахта ҳосилини ошириш ва чорвачилик маҳсулотларини кўпайтириш учун барча имкониятлардан фойдаланиши керак. Бундай имкониятларга меҳнат унумини ошириш, яъни ғўза парваришида комплекс механизациядан фойдаланиш (шу жумладан пахтани машинада териш), пахта-



Янги касалхона.

беда алмашлаб экишни қўлланиш, ем-ҳашакни етарли ғамлаш, ерга органик ва минерал ўғитларни тупроқ харитаси ва лаборатория маълумотларига асосан солиш, ғўзани суго-

ришда фан маълумотларига таяниш, бактериал ўғит ва гербицидлардан фойдаланиш, молларнинг зотини яхшилаб, уларнинг маҳсулдорлигини ошириш, фермадаги ишларни машиналаштириш, далачилик бригадаларини ва чорвачилик фермаларини хўжалик ҳисобига кўчириш киради.

Меҳнат унумини янада ошириш учун далачилик бригадаларини йириклаштириш, меҳнатга яроқли ҳар бир колхозчига тўғри желадиган экин майдонини кўпайтириш, эски нормалар ўрнига янги прогрессив нормалар белгилаш, экинларнинг ҳосилини ошириш зарур.

Меҳнат унумини тезроқ ошириш ҳисобигагина ишлаб, чиқаришни кенгайтириш, даромадни кўпайтириш ва колхозчилар турмушини янада фаровон қилиш мумкин.

Олтинчи беш йилликда колхоз пахтани 1,5, сутни 2,3, гўшти 2,4, жунни 1,2 ва пиллани 1,6 баравар кўп етиштириши керак. Бу вазифаларни анча ошириб бажариш учун колхозда имконият бор. Колхоз беш йилликка мўлжаллаган катта қурилиш планини ҳам бемалол бажариши мумкин. 1960 йилгача колхозда трактор ва машиналар турадиган бостирмаси бўлган 4 дала шийпони, 10 оддий дала шийпони, 500 қути қурт боқиш мумкин бўлган бир неча қуртхона, 1000 тонна силос кетадиган силос башнялари, гараж, 4 склад, клуб, касалхона, туғруқхона, 3 мактаб ва колхозчилар учун 300 уй қуриш мўлжалланади.

Агар колхоз пахта ва бошқа маҳсулотларни мўлжаллаган планига етказса, бу ишларнинг ҳаммаси бажарилади.

40 т.

26